№ 8597

"БУХОРОЙИ ШАРИФ" ЖАМҒАРМАСИ

Бухоронинг қутлуғ тўйи арафасида "Бухоротекс", "Шоҳрух" ва "Бухородон" ҳиссадорлик, "Пахтасаноатсотиш" бирлашмаси, "Мармар" қўшма корхонаси меҳнат жамоалари Бухоро шаҳрини таъмирлаш мақсадида "Бухоройи шариф" жамғармасини тузиш ташаббуси билан чиқдилар.

Янги жамғарма қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар ёдгорликларига қайта умр бахш этишда муҳим аҳамият касб этади.

Даврон БАҲРОНОВ.

ТОШКЕНТДА ТАГОР ҲАФТАЛИГИ

Кеча Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги маданият марказида ҳинд халқининг буюк фарзанди Рабиндранат Тагор таваллуди муносабати билан "Тагор ҳафталиги" тадбирлари бошланди. Шу ҳафта мобайнида маданият маркази ва Шарқшунослик институтида ёзувчи ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ҳамда иншолар танлови ўтказилади. Ғолибларга совринлар берилади.

Абдулла ҲОЖИАКБАРОВ.

РИМ ҲОҚОНИ ТАНГАЛАРИ

Урганчлик ишчи Рустам Жуманиёзов узоқ йиллар тўплаган асори-атиқаларини "Ичон Қалъа" музейига совға сифатида топширди. Бу нодир буюмлар орасидаги Рим ҳоқони Нерон даврида, II ва III ҳамда XVIII-XIX асрларда зарб этилган тангалар, аёллар тақинчоқлари, саркардалар ва сарой аҳлларининг анжомлари ўта ноёблиги ва асллиги билан диққатга сазовордир.

Рўзимбой ҲАСАН.

САМБОЧИЛАРИМИЗ ОЛТИН СОВРИНЛАРИ

Нью-Йоркда бўлиб ўтган АҚШ очиқ чемпионатида қатнашган ўзбек самбочилари команда ҳисобида биринчиликни эгаллашди. Ботир Хўжаев, Ҳамза Холиқов олтин, Ботир Турдиев, Қаҳрамон Акабаев, Мирҳайдар Муҳамедов бронза совринларни қўлга киритишди.

Монголия пойтахти Улан-Баторда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қатнашган ўзбек самбочилари Шуҳрат Хўжаев, Фарҳод Хўжамов, Асқар Раҳимов, Озод Илёсов, Саидикром Алимов ўз вазнларида олтин соврин соҳиблари бўлишди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 8 май, пайшанба № 54 (22.138).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ф. Ғ. Тешабоевни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг бирлашган қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Фотиҳ Ғуломович Тешабоев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг бирлашган қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 7 май.

ПРЕЗИДЕНТ УРУШ ФАХРИЙЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

7 май куни Президент Ислом Каримов Иккинчи жаҳон уруши фахрийларидан бир гуруҳини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари улар сиймосида мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчиларини, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кишиларни, барча Ўзбекистон халқини Ғалаба байрами билан қутлади.

Биз Ғалаба куни арафасида уруш қурбонларини, жигаргўшаларини фронтга юборган ота-оналарни, уруш туфайли етим-есир бўлиб қолганларни, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалабани яқинлаштиришга ҳисса қўшганларни чуқур эҳтиром билан эслаймиз, деди Президент. Сизлар ана шу авлоднинг вакиллари сифатида жаҳонни фашизм вабосидан қутқариш учун кўксингизни қалқон қилиб курашгансиз. Буни келгуси авлодлар, тарих ҳеч қачон унутмайди.

Юртбошимиз бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизга фаровон турмуш яратиб бериш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлар экан, бу ишларга фахрийлар улкан ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақида тўхталди. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган соғлом авлод учун дастури ёшларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол кишилар қилиб тарбиялашни кўзда тутади. Чунки маънавий ва моддий бойлик уйғунлашган жамиятгина фаровон бўлади. Шу маънода, ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасида фахрийларимиз катта ишларни қилиши мумкин.

СУРАТДА: учрашув пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қарияларни эъзозлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг муҳим вазифасидир, дея таъкидлади Президент. Ўз навбатида фахрийларимиз ҳам юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жойларда соғлом муҳит барқарор бўлишини таъминлашда ёрдам беришлари зарур. Бунда уларнинг ҳаётий тажрибалари қўл келади. Ёшлар ва омма онгига мустақиллик ғояларини, у берган неъматлар моҳиятини сингдириш, Ислом дини ва Шарқ фалсафасини тўғри тушунтириш, юртдошларимизда ҳаё, ор-номус туйғуларини тарбиялашни ҳам ҳурматли қарияларимиз ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар.

Учрашувда сўзга чиққан уруш фахрийлари ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик билдирдилар. Мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама комрон авлодни тарбиялаш, халқимизнинг бундан-да ёруғ кунларга етишуви йўлида сидқидилдан меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Учрашувда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст қатнашди.

(ЎзА).

«ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ, ОИЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Замон бизнинг зиммамизга янги, демократик жамият қуриш билан бирга мустабид тузум қолдирган оғир асоратлардан халос бўлган, юксак маърифатли, улкан салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифани юклади.

Бугунги анжуманда фарзандларимиз тарбияси ва таълими, бинобарин, миллат ва Ватан келажаги, тақдири хусусида сўз боради.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Оила — жамият асоси, маҳалла-миллий қадриятлар бешиги. Аҳил хонадонда, маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда зукко йигитлар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди.

Халқимиз фарзандлари ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг томирида, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк боболаримизнинг қони жўш урмоқда. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш, эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Сизларга ва сизлар орқали барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, давлат, жамият ва ота-онанинг бурчи фарзандларни соғлом ўстириш, вояга етказиш, умумий билим бериш билангина чекланмайди. ***Уларга энг замонавий касб-ҳунар ўргатиш ва энг муҳими, уларнинг ҳаёт синовларига мардона бардош бериб, турмуш гирдобларини шижоат билан енгиб ўтиб, келажакда ўзларига муносиб ўрин топишлари учун имконият яратмоғимиз даркор.*** **Мана, шу ўта мураккаб ва долзарб масала бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи мезонидир.**

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликларини рўй-рост кўриб турибмиз. Биз учун инсонларни бир-биридан ажратадиган, ижтимоий тафовутларни кучайтирадиган бозор муносабатлари эмас, аксинча, меҳру оқибатга рағбат берувчи маърифатли бозор муносабатлари мақбулдир. Шахс маънавияти, жамият маънавияти масалаларини энг долзарб иқтисодий муаммолар билан баробар ва балки улардан ҳам устун қўяётганимизнинг боиси ҳам шунда. Ўзбекистон танлаган йўлнинг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатларидан бири ҳам худди шунда мужассамдир.

Ишончим комилки, анжуман бугун замон ўртага ташлаётган муаммоларга амалий жавоб беради. Ёш авлод тарбиясига дахлдор ташкилотлар фаолиятига янги мазмун, куч ва ғайрат бағишлайди.

Анжуманингиз ишига муваффақият тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ТЕННИС ЙЎЛИДА

Ян ФРУМАН,
Исроил теннис маркази раҳбари

— Мустақил Ўзбекистонда спортнинг теннисдек севимли турини тобора равнақ топаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Кейинги тўрт йил мобайнида Ўзбекистонда теннисниг равнақи йўлида жуда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган янги-янги теннис иншоотлари қурилди. Андижон, Фарғона ва пойтахтингиздаги қатор теннис мажмуаларига, улардаги шарт-шароитларнинг қулайлигига кўпгина мамлакатлар ҳавас қилса арзийди.



Халқаро миқёсдаги теннис турнирларини уюштириш борасида ҳам эндиликда Ўзбекистон жуда катта тажрибага эга. Ўзбекистон теннис борасида Исроилга етиб олди. Мен бу билан нима демоқчиман? Агар теннис равнақи Ўзбекистонда шу суръатда давом этса, бундан тўрт йил олдин биз, хусусан мен, юртингизга катта теннисни йўлга қўйиш учун Исроилдан мутахассис сифатида келган бўлсам, яна икки-уч йилдан сўнг Исроилда теннисни қандай қилиб янада ривожлантириш борасида Ўзбекистондан мутахассислар сўраб, мурожаат қилсак ажабмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисида

Республика корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг аҳволини яхшилаш, тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссияси тузилсин.

Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш бўйича амалдаги қонунчилик нормаларига қатъий риоя қилиниши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

республика корхоналари ва ташкилотларининг тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

корхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги аҳволини ўрганиш, тўловга қодир бўлмаган истеъмолчилар ва буюртмачиларга маҳсулот берилишига, ишлар бажарилишига ва хизматлар кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги устидан назорат ўрнатиш;

корхоналар ва ташкилотларнинг айланма маблағларини четга жалб қилиш, шу жумладан, тайёр маҳсулот заҳираларига, тугалланмаган қурилишга жалб қилиш сабабларини ва йўналишларини таҳлил этиш ҳамда уларни қисқартиришга доир таклифлар тайёрлаш.

3. Ҳукумат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Вазирликлар, идоралар, банклар, хўжалик уюшмалари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг аҳволи масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш ҳамда тегишли органларга халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни юритишнинг белгиланган тартибини бузишда айбдор бўлганларни жавобгарликка, шу жумладан, жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш;

корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясига тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларга мунтазам йўл қўяётган корхоналар ва ташкилотларга банкрот, деб эълон қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

вазирликлар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан комиссияга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни белгиланган тартибда олиш;

ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни кўриб чиқиш ва ўз ваколатлари доирасида улар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

Вазирлар Маҳкамасига халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар тизимини яхшилашга қаратилган республика қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича тегишли минтақавий комиссиялар тузилсин.

Қуйидагилар минтақавий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

корхоналар ва ташкилотлар томонидан амалдаги қонунчилик ҳамда ҳисоб-китоб-тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши юзасидан республика ҳукумати қабул қилган қарорлар бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

Минтақа корхоналари ва ташкилотларида тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор-кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш;

ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳукумат комиссиясига киритиш;

давлат корхоналари ва ташкилотлари айланма маблағларининг асоссиз равишда четга жалб қилинишига йўл қўймаслик.

Минтақавий комиссияларга бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг аҳволи масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш ҳамда тегишли органларга ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибини бузаётган мансабдор шахсларни маъмурий, жиноий ва қонунда назарда тутилган бошқа хилдаги жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ҳукумат комиссияси ўн кун муддатда ташкилий мажлис ўтказсин, 1997 йилги иш режасини ҳамда минтақавий комиссия тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

Ҳукумат комиссияси мажлислари ойига камида бир марта ўтказилсин ҳамда қилинган ишлар тўғрисида республика ҳукумати ҳар ойда хабардор қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 7 май.

Маҳалла — тарбия ўчоғи

КОМИЛ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

Ажойиб феъллари халқимиз-да. Туғилиб-ўсган гўшаларимизга бирам боғланганмиз. Хизмат юзасидан келсам-да, иккинчи куниёқ Тошкентдай шаҳри азимга сиғмай қоламан. Ота-онани, оилани, маҳаллани, ёр-дўстларни қўмсаб энтикиб қоласан, одам. Беихтиёр оёғинг уйга тортади, иссиғингдаям, совуғингдаям ёнингда куйиб-пишадиган маҳалланга ошиқасан, қариндош-уруғларинг, таниш-билишларинг бағрингни тўлдиришини хоҳлаб қоласан...

Президентимиз Ислом Каримовнинг Андижон вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида шундай сатрлар бор: «... Зеро, жамият аъзоларида она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш учун аввало ҳар бир инсон ўзи яшаб турган шаҳрига, маҳалласига, хонадонига бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириши зарур». Юртбошимиз яна бир ўринда эса шундай деди: «Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан бирга шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бир олам». Бу эътироф замирида, жумладан, маҳалла аталмиш ноёб ижтимоий бирликни, унинг теграсида шакл-шамойил топган қадриятларни назарда тутилгани сир эмас. Айниқса, истиқлол йилларида маҳаллага эътибор ошди.

Бугунги кунда Наманган вилоятида 900 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятида миллий ва маънавий ўсиш кўзга ташланади. Маҳаллаларда қарор топаётган ижтимоий-сиёсий муҳит фуқаролар ва айниқса, ёшларнинг истиқлол ғояларига садоқатини улғайтирмоқда, янгилик ва ташаббусга ундамоқда.

Уйчилик тадбиркор Тоҳиржон Алиматов 11 гектарли боғидан топаётган фойдалари эвазига ўзи яшайдиган маҳалла гузарини обод қилмоқда. Ҳозир Тоҳиржоннинг фидокорлиги билан бу ерда дўконлар, тикувчилик, этикдўзлик устахоналари, сартарошхона, қассоблик, ошхона ва чойхона ишлаб турибди.

Наманган шаҳар «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маматвали ака Турғунов маҳалла ёшларини касб-ҳунарга йўналтиришда ўзига хос тажриба тўплади. Шунингдек, шаҳардаги Баҳор, Зарафшон, Мингчинор, Ахсикент маҳаллаларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотлари фаоллари ташаббуси билан «Ёшлар тарбияси — муҳим вазифа», «Энг сариштa оила», Норин туманидаги Усмон Юсупов маҳалласида эса «Маҳаллам — отам, онам» мавзуида турли шаклларда тадбирлар ўтказиш одат тусига кирди. Тўрақўрғон, Чортоқ, Наманган шаҳридаги қатор маҳаллаларда эса ишсиз юрган ёшларга меҳнат ўринлари яратиш, попопчилик, дўппи тикиш, кулолчилик цехлари очишга муваффақ бўлинди.

Айнан маҳалла фаолларининг хизмати билан ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ҳашар йўли билан бартараф этиш, ночор, бева-бечора қўшнилар қўнглини олиш яхши самаралар бермоқда. Албатта, ҳали булар етарли эмас. Маҳаллада ишни ташкил этолмаётганлар кўп. Вилоятнинг айрим маҳаллаларида маҳаллабошилар танлашда камчиликлар учрайди. Умидимиз шуки, бундай маҳаллалар ҳам ўз шакл-шамойилларини қадим урф-одатларимизга, истиқлол талабларига мослайдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАМИЯТ ЕТУКЛИГИ БЕЛГИСИ

Мустақиллик берган энг буюк бойлик халқимизнинг маънавий эркинлиги бўлди. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг бой миллий маданий меросини холисона ва батафсил ўрганиш, уни идрок эта олиш ҳамда ёш авлодга асраб-авайлаб етказиш имконини туғдирди.

Ҳозирги шароитда маънавият тезкор ўзгаришлардан ортда қолиб кетмаслиги лозим. Аксинча, маънавият барча туб ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг бошида бўлиши шарт.

Маънавиятнинг қудратли кучи шундаки, у инсонларни ягона мақсад сари етаклайди, уларнинг иноқлигини, ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди, жамиятни турли иллатлардан тозалайди, одамларни софликка, покликка, инсоф-имонга ундайди, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Лекин, маънавиятни тарихий меросимизни ўрганиш, уни талқин этиш, тарғибот ва ташвиқот этишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни яратиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги жиддий амалий ишдир.

Буни биз Самарқанд вилоятида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Вилоятда, даставвал, «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази бўлинмасининг фаолияти такомиллаштирилди, иқтидорли ва жонкуяр кадрлар билан мустаҳкамланди.

Маънавият

Яқинда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлимида Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ва «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Инсон камолоти» мавзусида давра суҳбати уюштирилиб, йигит-қизларнинг ҳар томонлама камолга етишида маънавият вазифалари белгилаб олинди.

Вилоятдаги ташкилот ва корхоналарда мунтазам равишда «Маънавият кунлари»нинг ўтказилиши ҳамманинг кўнглидаги иш бўлди. Шу куни барча меҳнат жамоалари ва ўқув масканларида маънавият-маърифий тадбирлар уюштирилади. Вилоят радиоси, телевидениеси ва газеталарида шу мавзуга бағишланган эшиттириш ва мақолалар бериб борилади.

Маънавий-мафкуравий ишларни такомиллаштиришда вилоят ҳокимлигининг халқ таълими ва ички ишлар бошқармаларида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар бошқармаси тизимида ҳафтанинг сешанба куни «Маънавият куни» деб белгиланган. Шу куни ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари Самарқандннинг етакчи олимлари, тарихчилари, санъат ва маданият ходимлари билан учрашадилар, уларнинг миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳақидаги маърузасуҳбатларини тинглайдилар, саволларга жавоб оладилар.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларида ҳам ҳафтанинг муайян куни «Маънавият ва маърифат куни» деб эълон қилинган. Бу борада вилоят «Педагогика» жамияти ҳам фидойилик қилаётир.

Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Ургут, Булунғур, Пахтачи ва Челак туманларида кейинги пайтда маънавий-мафкуравий ишлар жонланиб кетди.

Шу билан бир қаторда ҳали жойларда маънавий-маданий ишларнинг жабҳаси ва савияси миллий истиқлол мафкураси талаблари даражасида ташкил этилмаётган ўринлар ҳам йўқ эмас. Баъзи жойларда ёшлар Самарқанд, Бухоро ва Хева шаҳарларида ота-боболаримиз меҳнатила қад кўтарган тарихий обидалар ҳақида тўла маълумотга эга эмаслар. Ушбу обидаларга саёҳатлар жуда камдан-кам ҳолларда уюштирилади.

Ҳолбуки, Самарқанд тарихий обидаларга бой маскан. Регистон, Шоҳи Зинда ва Бибихоним ансамблари, Амир Темур мақбараси, Пахтачи туманидаги Добусия қалъаси, Оқдарё туманидаги Махдуми Аъзам, Сиёб туманидаги Дониёр обидаларининг таъмирланиши ва улар атрофининг ободонлаштирилиши аждодларимиз мероси ҳамда маданиятимиз намуналарини асраб-авайлаш борасидаги ишлардир. Ушбу обидаларда ёшлар билан «Маънавият дарслари» ва «Маънавият соатлари» ўтказилиши йигит-қизлар қалбида ўзининг ўчмас изини қолдирди, уларда маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини тарбиялади.

Яна бир гап. Ҳар гал зиёлилар, устоз-мураббийлар, кутубхона хизматчилари билан бўлган суҳбатларда йигит-қизларнинг тарихий ва бадиий китобларни мутолаа қилишга қизиқишлари пастлиги бот-бот тилга олинади.

Айрим жойларда кутубхоналар иши ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Уларнинг китоб фонди эскириб кетган. Мустақиллик ғояси билан йўғрилган китобларга чанқоқлик кучли. Даврий нашрларнинг тахламлари йўқ. Кутубхоналарни замонавий компьютер жиҳозлари, янги китоблар билан таъминлаш имконияти эса яратиб берилмаган.

Балки бундай кутубхоналарни маҳалла марказлари ҳисобига ўтказиш керакдир. Республикадаги юзлаб музейлар, маданият ўчоқлари, кутубхоналар, клубларда хизмат қилувчиларнинг аксарияти қисми, айниқса ёшлар маош камлиги туфайли бошқа соҳаларга ўтиб кетишмоқда. Бу ишларда фақат ўз ишига бутун умрини бағишлаган фидокорларгина қолмоқда.

Аждодларимизнинг ҳаёти, ёзуви, турмуши, маданияти, давлатчилигини ўзида акс эттирган минглаб экспонатларни асраб-авайлаш, уни замондошларимизга намойиш этиш, қолаверса, келажак авлодларга етказиш борасидаги ишларимиз ҳам мақтагулик эмас.

Ҳаммамиз учун азиз бўлган мустақиллик, бу эъзозли неъмат ҳар биримиздан маъанавий-мафкуравий ишларни замон талаблари даражасида йўлга қўйишни тақозо этади.

Абдумалик МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясининг тингловчиси.



ҚИЗИҚАРЛИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Матбуот конференцияси

Спорт мусобақалари қизғин паллага кириб, имкониятини йўқотганлар ва ғолибликка даъвогарлар кўзга ташланиб қолганда спорт журналистларида жавобталаб саволлар йиғилиб қолади. Шу муносабат билан «Динамо» ўйингоҳида давом этаётган республика «Ҳавас» теннис турнири иштирокчилари ва мутахассислар даврасида матбуот йиғилиши уюштирилди. Йиғилишни мусобақа бош ҳаками Г. Дашевский олиб борди. Бу ерга швейцариялик тадбиркор Сассон Какшури, Исроил теннис маркази раҳбари Ян Фруман, республика спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов ҳамда турнирнинг матбуот маркази бошлиғи — «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суюн, Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборовлар қизиқарли суҳбат қурдилар. Йиғилганлар мусобақанинг ташкилий жиҳатлари, аҳамияти, иштирокчиларнинг имкониятлари хусусида мулоҳаза юритдилар. Журналистларни қизиқтирган турли саволларга жавоб бердилар.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Республика «Ҳавас» теннис турнири

БОШ СОВРИННИ КИМ ОЛАРКИН?

Пойтахтимизда ўзига хос спорт байрами. Шу кунларда «Динамо» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда «Ҳавас» соврини учун республика мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Майдонда ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, вазирлар, йирик идора ва уюшмаларнинг раҳбарлари бўлган теннис ихлосмандлари саф тортишди. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов йиғилганларни теннис байрами билан муборакбод этиб, уларга зафар ёр бўлишига тилак билдирди.

Шунингдек, йиғилганларни юртимизда теннисни халқаро андозалар даражасига етказиш, профессионаллар ўртасида кичик тўп баҳсларини уюштиришда бизга катта ёрдам кўрсатган швейцариялик Сассон Какшури ўзининг дил сўзларини баён этди. Айниқса, Исроил теннис маркази директори Ян Фруман юртимизда теннис борасида катта сакраш қилинганини эътироф этиб, мамнуният билдирди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этишди.

Мусобақанинг бош ҳаками Г. Дашевский бошчилигида дастлабки босқич иштирокчилари ўртасида қуръа ташланиб, 60 нафар теннисчи тўрттадан 15 гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳда алоҳида ҳакам тайинланди. Мусобақанинг биринчи куниёқ иштирокчиларнинг тажрибалари ортаётгани, теннис ўйнаш ҳадисини олишаётгани кўзга ташланди. Майдонга умид билан чиққан ҳар бир ўйинчи шериклари билан холис рақобатда устун келиб, иккинчи босқичга йўлланма олишга интилди. Хусусан, учинчи гуруҳда куч синашган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов бу сафар ҳам шашти баланд эканлигини намойиш этди. У «Ўзнефтгазқазиш» бирлашмаси бош директори Анвар Норматовни 3:0, Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари Илҳом Рашидовни 3:1 ва Олмалиқ шаҳар ҳокими Ю. Беланов билан 0:3 ҳисобида ўйнаб умумҳисобда курашнинг иккинчи босқичига йўлланма олди.

Умуман, бу йилги мусобақада ҳам бултур кучли саккизликдан ўрин олган ва совринли ўринларга эгалик қилган аксарият теннисчиларнинг қўллари баланд келмоқда. Жумладан, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раиси Равшан Файзуллаев, МХХ раиси Рустам Иноятов, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримовлар яна бош совринга даъвогарлик қилмоқдалар. Шунингдек, республика «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов, Қарши шаҳар ҳокими Ш. Бегматов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Когон шаҳар ҳокими Ж. Ҳакимов, республика Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов, Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф. Турсунов, Когон туман ҳокими Ҳ. Равшанов, «Ўзнефтгазқурилиш» бош директори В. Товаровский, Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Нажмиддинов, Яккасарой тумани ҳокими А. Мирқосимов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалиловлар ҳам дастлабки ғалабага эришиб, иккинчи босқичга йўлланма олишди.

Албатта, иккинчи босқич баҳсларини янада шиддатлироқ бўлиши табиий. Чунки, биринчи босқичда муваффақият қозонган теннисчиларга янада тажрибалироқ ўйинчилар қушилишди. Иккинчи босқичда 8 та гуруҳ бўлиб, ғолиб келганлар чорак финалга йўлланма олишади. Дастлабки гуруҳда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов, республика «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов ва Қарши шаҳар ҳокими Ш. Бегматовлар ўзаро баҳслашдилар. Шунингдек, иккинчи босқичда Бухоро вилоят ҳокими С. Ҳусейнов, Наманган вилоят ҳокими Т. Жабборов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Р. Йўлдошев, республика Бош вазири ўринбосари Қ. Ҳаққулов, Самарқанд вилоят ҳокими А. Мардиев, Сурхондарё вилоят ҳокими Ж. Норалиев, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов ва бошқалар илк марта майдонга тушдилар. Бош соврин учун кураш эса муросасиз баҳсга айланмоқда.

Кеча бўлиб ўтган иккинчи босқич учрашувлари ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. 32 нафар теннисчи имкониятни бой бермай, курашни давом эттириш ниятида майдонга тушди. Боиси, мусобақанинг мазкур босқичидан бошлаб ютқазган ўйиндан чиқаверади тартиби қўлланди. Республика «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов яна бўш келмади. У икки дуранг, бир ғалаба билан гуруҳдошларидан устун келди. Наманган вилоят ҳокими Т. Жабборовнинг ҳам омади чопди. У учта ғалабага эришди. Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳам худди шундай муваффақият билан чорак финалга йўлланма олди. МХХ раиси Р. Иноятов иккита ғалабага эришгач, Сурхондарё вилоят ҳокими Ж. Норалиев ўйиндан воз кечгани учун курашни давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф. Турсунов, республика Бош вазири ўринбосари М. Усмонов, Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Нажмиддинов ҳамда республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримовлар иккинчи босқич ғолиби сифатида чорак финалга чиқишди. Бугун тўртта учрашув ўтказилиб, финалчилар аниқланади ва бош соврин соҳиби маълум бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

***

СУРАТЛАРДА: «Ҳавас» турниридан лавҳалар.
Владимир МОЛГАЧЕВ ва Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

ҲАЙРАТ

Сассон КАКШУРИ, Швейцариялик тадбиркор

—Сирасини айтсам, Ўзбекистонда теннисни ривожлантириш, халқаро мусобақалар ўтказишни таклиф қилганимга кўп бўлгани йўқ. Ўшанда республикангиз Президенти Ўзбекистонда теннисни ҳар томонлама ривожлантириш ишларини қўллаб-қувватлаб, алоҳида эътибор кўрсатганди. Мана ҳозир юртингизда бу борада амалга оширилаётган ишлардан ҳайратга тушиб турибман. Теннис ўйнаш учун яратиб берилаётган шароитлар, моҳир спортчилар камол топаётгани қувонарли. Ўйлайманки, «Ҳавас» турнири минглаб ёшларни қизиқарли бу машғулотга жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

ГАП ЮТИШДА ЭМАС

Азиз НОСИРОВ, Самарқанд шаҳар ҳокими

— Ростига кўчадиган бўлсам, бу сафарги мусобақага пухтароқ ҳозирлик кўрган эдим. Лекин олдиндан бир нима дейиш қийин экан. Биринчи босқичдан ўтдиму иккинчисида имкониятни бой беришга тўғри келди. Албатта, гап ютиш ё ютқазишда эмас, муҳими теннисга ҳавас қўйишда. Бизда ҳам ташкил этилган «Афросиёб» клубида 70 нафардан кўпроқ киши шуғулланмоқда. Умуман, шаҳримизда кичик тўп машғулотларига қизиқиш катта. Одамлар теннис-маданият, тан-сиҳатлик, кайфият, муҳими соғлом турмушни шакллантиришнинг омили эканлигини англамоқдалар. «Ҳавас»нинг аҳамияти ҳам шунда бўлса керак.

РАИС ТАДБИРКОР БЎЛСА

Янги замон одами

Тожибой Ризаевни қишлоқдошлари «ота» деб ардоқлашади. Чунки у 10 мингдан зиёд кишига бош-қош. Уларнинг тўй-маъракасида ҳам, ҳаётида ҳам бевосита иштирок этади.

Биз эса бу камтарин инсонни янги замон одами, дедик. Бу ўхшатишимизга ҳайрон қолувчилар ҳам топилиши мумкин. Ахир, қирқ йилдан бери жамоа хўжалиги раиси сифатида ишлаётган бўлса...

Хўш, нега биз уни бугунги кун одами, деб таърифлаяпмиз? Аслида Тожибой Ризаев билан учрашмай туриб, унинг қилган ижобий ишларидан бехабар вақтимизда биз ҳам бундай таърифга ҳайрон қолган бўлардик...

Ўзининг меваю узумлари, боғ-роғлари, қўй-қўзиларию, ғаллазорлари билан машҳур Паркент туманидаги «Заркент» жамоа хўжалигига бордигу, бунга ишонч ҳосил қилдик. Уфқларга туташиб кетган кенг далаларда буғдой-арпа гуркираб ривожланмоқда. Олди бошоқлаган.

— Бу йил ғалла йили бўлади, — дейди Тожибой ака биз билан суҳбатда. — Бинобарин, ёғингарчилик сероблиги туфайли худо хоҳласа лалми ерларимизда ҳосилдорлик юқори бўлиши турган гап. Фақат об-ҳаво асосий омил эмас. Деҳқонларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Вақтида парваришлаб, вақтида ўғитлашяпти.

Дарвоқе, заркентликлар ўтган йили лалми ерларнинг ҳар гектаридан 17,5 центнердан дон ҳосили кўтаришган эди. Бу йил эса 1150 гектар майдондаги ғаллазорлар гуркираб турибди. Мирзакорларнинг нияти — ҳар гектар ердан камида 20 центнердан хирмон кўтариш.

Хўжалик чорвачилик соҳасида ҳам мунтазам равишда ютуқларга эришиб келаётир. Жумладан, ўтган йили 600 тонна сут, 60 тонна гўшт етиштирилиб, давлатга сотилди. Чорвачиликнинг ўзидан 1,2 миллион сўм соф даромад олинди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фермаларни хусусийлаштириш оммавий тус олиб кетган шароитда раис бу борада шошилмаслик керак, деди. Чунки туппа-тузук фермаларни укувсиз кишиларга сотиб юборгандан кўра жамоада қолдирган маъқул-да. Тажриба шуни кўрсатяптики, раис янгилишмаган экан.

Тожибой ака ташаббускор раис сифатида танилган. Масалан, бундан қирқ йил аввал заркентликлар узумни, ҳатто мевани ҳам қўшни хўжаликлардан харид қилиб келтиришарди. Раис ўйлаб қолди. Нахотки, шу неъматларни ўзимизда етиштириб бўлмаса? Ниҳоят, у масаланинг ечимини топгандай бўлди, ҳамма тезда Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига етиб келди.

Мамлакатимизнинг бош боғбони академик Маҳмуд Мирзаев уни илиқ кутиб олди. Мақсадини эшитиб қувонди. Тоғолди ҳудудларида ва лалми ерларда боғ-роғлар, токзорлар яратиш юзасидан маслаҳатлар берди. Кейинчалик олим билан раис ҳамкорлиги бошланди. Бу ишга қишлоқ хўжалиги жонкуярларидан бири Маҳкам Камолов ҳам бош қўшди.

Натижада жамоа аҳлининг ғайрат-шижоати билан боғ-роғлар яратишга киришилди.

Хўжаликнинг кекса аъзоларидан бири, 85 ёшли Адҳам ота Акрамов ўша даврларни эслар экан шундай деди:

— Ўша пайтларда бугунгидек серҳосил боғ-роғларимиз, токзорларимиз бўлади, деб ўйламаган эдик. Чунки, фақат ғалла экардик-да! Институтдан ва мамлакатимизнинг турли жойларидан серҳосил ҳамда сифатли кўчатлар келтириб экилди. Қисқа фурсатда каттагина боғларга эга бўлдик. Ҳосилдорлик ҳам йилдан йилга ошиб борди. Энди ҳамма Тожибойни дуо қилмоқда.

Ҳа, отахон айтганларидек, ҳозир хўжалик боғларига ҳамма ҳавас қилади. Айни пайтда 440 гектар мевазорнинг 160 гектари ҳосилдор. Ўтган йили 900 тонна мева етиштирилди. Токзорлар ҳам кенгайиб борди. Ҳозир 550 гектар ерда токзорлар мавжуд. Бу йил режа бўйича 3300 тонна узум етиштирилиши керак, соҳибкорлар эса беш минг тоннани кўзлашмоқда.

Ўтган йили хўжалик бўйича бир неча миллион сўм соф даромад олинган эди. Даромадга яраша буромад деганларидек, бу маблағлар қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини яхшилашга сарфланаётир. Хўжалик қишлоқлари тўла газлаштирилган. Сув муаммоси эса ўзига хос, антиқа усулда ҳал этилди. Раис ташаббуси билан тоғ бағридаги зилол булоқдан қувур тортиб келинди.

Яна бир гап. Хўжаликда одамларни иш билан таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб келиш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек. Ҳозир йилига 10 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга бўлган вино заводи, бундан ташқари тегирмон, мойжувоз, тикув фабрикаси ишлаб турибди. Минг тонна маҳсулот сақланадиган музхона, 2 та мактаб, 2 та автомобилларни таъмирлаш устахонаси, темирчилик, косибчилик устахоналари мавжуд. 340 ўринли янги мактаб биноси эса республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигига фойдаланишга топширилади.

— Мен ҳаётим давомида кўплаб ҳукумат мукофотларини олганман, — дейди Тожибой ака. Бироқ 1995 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг қўлларидан «Дўстлик» орденини олганлигим менинг учун энг қимматлидир. Мен бундан буён ҳам мустақил диёримизнинг гуллаб-яшнаши, элимиз дастурхонини тўкин қилишга ҳаракат қилавераман.

Хўжалик аҳли айни кунларда бу йилги соф даромадни 20 миллион сўмга етказиш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Биз тадбиркор раисга ва аҳил жамоага ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, деймиз.

Юнус ЗИЁДОВ, Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.
Н. Муҳаммаджонов олган сурат.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛУР

Юзаки қараганда Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скалфаронинг Тошкентга ташрифи бир зумда ўтиб кетгандай кўринса-да, аммо минтақавий вазият, умуман халқаро муносабатлар манзарасида мазкур ташриф аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз. Тўғри, Ўзбекистон ва Италия раҳбарларининг ўзаро учрашувлари, олиб борилган музокаралар, эришилган битимлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларни янада ривожлантириш имконини бериши турган гап. Шу билан бирга, биз қуйида икки давлат Президентларининг матбуот конференциясида аёнлашган баъзи муҳим жиҳатларга эътиборни қаратмоқдамиз.

Ўзбекистон-Италия иқтисодий алоқалари ижобий йўналишда ривожланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда ушбу матбуот конференцияси икки томонлама сиёсий муносабатлар илдизи анча мустаҳкам эканини очиқ ойдин намоён қилди. Бунга ҳеч бир шубҳа ҳам қилмаса бўлади. «Зар қадрини заргар билади» деганларидек, Марказий Осиё тарихий-маданий тараққиётида ўзига хос ўрин тутиб келган Ўзбекистон билан Европа Уйғониш даврининг бешиги бўлмиш Италия раҳбарлари ҳам икки томонлама, ҳам дунёвий миқёсдаги масалаларда яқдилликка эришишлари табиий. Шу маънода О. Л. Скалфаронинг Россия «Новости» ахборот агентлиги мухбирининг саволига берган жавобидаги бир фикр ниҳоятда муҳим: «Биз юксак маданиятли мамлакатлар бўлишимиз керак». Аслини олганда мазкур сўзлар Ўзбекистон ва Италия мамлакатларидан кўра савол берувчининг юрти шаънига айтилгандай, деб қабул қилдик биз. Чунки, Италия раҳбарининг Афғонистонга қурол етказиб беришни таъқиқлаш, Марказий Осиёни ядросиз минтақа деб эълон қилиш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари ва позициясини қўллаб-қувватлаши ҳаммани қувонтириши керак. Уруш-жанжал бўлмасин, йўқолсин қурол деганда барча хурсанд бўлиши табиий-ку, ахир. Афсуски, афтидан бу ҳаммага хуш келавермас экан. Буни сезган тажрибали Италия Президенти, Европа тинчлиги Ўзбекистон учун қанчалар муҳим бўлса, Марказий Осиёдаги барқарорликдан Италия ҳам шунчалар манфаатдор. Биз буни тўғри қабул қилмоғимиз керак. Юксак маданиятли мамлакатлар бўлмоғимиз лозим, деди.

Ҳақиқатан ҳам, матбуот конференциясида таъкидлангани дек, жаҳондаги ҳар қандай можара, қалтис вазият эртами-кечми у ёки бу мамлакат манфаатига зид келиши аниқ. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир давлатни безовталантирмасдан қолмайди. Зеро, Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда «хавфсизлик чегара билмайди». Худди шунинг учун Европа Иттифоқининг тегишли идоралари бугунги кунда дунёвий офатга айланган наркобизнесга қарши курашни айнан унинг ўчоғи — Афғонистон бўсағасидан бошлаётгани бежиз эмас. Худди шу ўлкадан тонналаб наркотик моддалар МДҲ орқали Европа ва бутун дунёга тарқалмоқда. Ислом Каримовнинг наркотиклар Европада мисқоллаб ҳажмда қўлга олинаётган бўлса, биз бу ерда килограммлаб, тонналаб ушлаяпмиз, қабилидаги таъкидлари Европа Иттифоқининг мўлжални тўғри олгани ва ундан адашмаслигини кўрсатади.

Матбуот конференциясининг бундай кечиши мавзу барибир айланиб МДҲ доирасидаги сўнгги ҳафталардаги вазият, хусусан, Россия-Белорусь «иттифоқи» масаласига тақалишини олдиндан кўрсатиб турарди. Шундай бўлди ҳам. Матбуот конференциясида италиялик журналист Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон — Россия муносабатлари, шунингдек, Россия — Белоруссия ўртасида тузилган иттифоқ хусусидаги фикрини сўраб, савол берди.

Аввало, Россия билан ҳамкорлик алоқаларимиз тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ривожланмоқда, деди Ислом Каримов. Биз бу — тенг шериклик йўлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Россия ҳам Ўзбекистонни ўзининг тенг ҳуқуқли, ишончли шериги сифатида билишини истаймиз. Россияда бундай соғлом кучлар кўплиги бизни қувонтиради. Чунки Россия билан иқтисодий, хўжалик алоқаларимиз узоқ тарихга эга.

Россия — Белоруссия иттифоқи ҳақида юртбошимиз ўз фикрини айтиб, бу ўша икки давлат — Россия билан Белоруссиянинг ички иши. Бироқ менинг фикримни сўраган экансиз, шуни айтмоқчиманки, бу икки мамлакат ўртасида улар айтаётган тенглик ҳеч қачон бўлмайди. Мен буни бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтяпман. Белоруссия маълум маънода ўз суверенитетидан воз кечишга мажбур бўлади. Ўзингиз ўйланг, ягона банк бўлса, ягона пул бирлиги жорий этилса ва улар Москвада бўлса қандай қилиб мустақиллик ҳақида сўз бўлиши мумкин, деди.

Энг муҳими, Россия-Белорусь «иттифоқи»нинг эртанги куни манзараси ҳам чизиб берилди. Яъни Украинани «иттифоққа» ўз «хоҳиши» билан киришга мажбур қилиш ва 1991 йилиёқ «ҳиди» келган «славян иттифоқи»ни тузиб МДҲ доирасида чилдирма чалиш. Аммо бундай уринишлар бефойдалигини Ислом Каримов қатъий равишда таъкидлади. Би-Би-Си мухбирининг саволига жавоб бера туриб, Ўзбекистонга «ислом экстремизми»ни олиб киришга уринишлар ҳам беҳудалигини қатъий таъкидлаб ўтилгани айни муддао бўлди.

Матбуот йиғилишида маданият, маънавият ҳақида ҳам сўз борди. Икки томон раҳбарлари маданий ҳамкорликни ривожлантиришга зўр бериш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Ҳақиқатан юксак маданий тараққиётга эга жамиятни шу даражадаги кишиларгина кўра оладилар. Ўйлашимизча, мазкур ҳақиқатга бир хил ёндошув икки раҳбар, Ўзбекистон ва Италия халқларини дўстлаштирмоқда.

Азамат ЗИЁ.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Санди Таймс» газетаси шарҳловчисининг фикрига қараганда, Шимолий Кореяда очлик кенг қулоч ёймоқда. Бир қатор ғарблик шарҳловчилар фикрича, ҳозир мазкур мамлакатда юз бераётган воқеалар Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар концлагерларида юз берган воқеаларни эслатади. Озиқ-овқат йўқлигидан баъзи ота-оналар ўз фарзандларини бирон бир егуликка алмаштиришмоқда. Ғарблик шарҳловчилар Шимолий Кореяга берилаётган ёрдам бу ердаги очликни енгишга қодирлигига шубҳа билдирмоқдалар. Вазият шу тариқа жиддийлашиб бормоқдаки, мамлакат ҳукумати эса бирон-бир чора кўриш ниятида эмас. «Санди Таймс» шарҳловчисининг фикрича, ҳукумат ғарбликлар эътиборини Шимолий Кореядаги ички аҳволдан чалғитиш мақсадида «турли ҳарбий саргузаштларни» ўйлаб топмоқда.

* * *

Германияда чиқадиган «Бильд» газетаси Германия иқтисодиётини ривожлантиришнинг шу йил биринчи чорагига бағишланган материалларни эълон қилди. Газетанинг таъкидлашича, мамлакат иқтисодий аҳволининг жиддийлигига қарамай немис корхоналари халқаро бозорда ўз аҳвол-ларини мустаҳкамлашни давом эттиришмоқда. Газета хабарига кўра, энг йирик немис фирмалари маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошира бориб, жаҳон бозорларидан Америка ва Япония фирмаларини сиқиб чиқармоқда. Айниқса, автомобиль ва доридармон ишлаб чиқарувчи концернлар, шунингдек, истеъмол буюмлари тайёрловчи фирмалар бу борада муваффақиятга эришмоқдалар.

* * *

Австралияда чиқадиган «Сидней Монинг Хералд» газетаси Япония собиқ ташқи ишлар вазири, ўз миллатчилик қарашлари билан машҳур бўлган сиёсатчи Ясухиро Накасонэнинг мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритиш ҳақида талаб билан чиққанлиги тўғрисида ёзади. Накасонэнинг фикрига қараганда, Америка генерали Дуглас Мак Артур томонидан ёзилган Япония Конституцияси бугунги кун сиёсати талабларига жавоб бермайди. Унинг фикрича, янги Конституция Япония миллий характери, унинг маданияти, анъаналари ва алоҳида этник таркибини акс эттириши керак. Бундай ўзгартиришлар киритилса Япония минтақадаги низоларни ҳал этишда ҳарбий иштирок этиш имконига эга бўлади. Газетанинг таъкидлашича, Японияда ўтказилган жамоатчилик фикрини ўрганиш сўровига кўра, Конституцияни ўзгартириш ҳақидаги масала бўйича фикрлар амалда мутлақ кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланмаган. Ҳозирги пацифистик асосий қонунни асосан.кекса кишилар маъқуллашмоқда. Ёшлар эса Осиё-Тинч уммони минтақасида Япония асосий ҳарбий куч бўлишини хоҳлаяпти.

Аломат гаплар

ЕТТИНЧИ ОСМОН «МЕҲМОН»ЛАРИ

Хушкайфият одамни учратсак баъзан «еттинчи осмонда учиб юрибди» деб қўямиз. Лекин ҳақиқий еттинчи осмонга чиққанларга бундай демаймиз. Нега дорбозларга айтмаймиз?

Тўғриси, бундайларга кўпчилигимиз йўлиқмаганмиз ҳам. Францияликлар эса бундан бир аср олдиноқ ўша — арши аълода «яшаб» ҳам кўришганди.

Жан Франсуа Гравле (1824-1897) XIX асрда яшаган дунёдаги энг зўр дорбозлардан ҳисобланган. Зўрлиги нимада дерсиз.

Франсуа 1859 йил 30 июнь куни машҳур Ниагара шаршараси оша узунлиги 335 метр, баландлиги эса 48,75 метрлик масофани босиб ўтди. Арқоннинг қалинлиги 76 миллиметр эди. Бу шов-шув қилса арзигулик воқеа бўлганди.

Орадан бир йил ўтгач дорбоз яна «еттинчи осмонни» қўмсаб қолди. Фақат бу сафар у ёлғиз чиқмади. Елкасида ошнаси Хэрри Колкорниям ўтказиб олди...

Одамзот ҳамиша забт этилмаган чўққини ёки кимдир ўрнатган рекордни янгилаш пайида бўлади. Балки буям бир хоббидир. Гравленинг рекорди замонлар ўтиши билан эскирдими ёки Анри Роштан ундан ҳам ўзиб кетишни истадими? Буниси бизга қоронғу. Гравленинг ватандоши арши аълога қулоқ эшитмаган ғалати «сафар» қилди. Билмадим, буни дорбозлик ёки сафар дейиш ўринлимикин? Чунки Роштан еттинчи осмонда 185 кун «яшади», меҳмонда бўлдида.

У 1973 йилнинг 28 мартидан 29 сентябргача осмонда «осилиб» турди. 25 метр баландликка тортилган 120 метрлик арқон устида юрди-турди, ухлади.

Айниқса, Роштаннинг арқон устида ухлаши ҳаммани ҳайратга солиб қўйганди. Ҳатто руҳшуносларниям.

Нима бўлганда ҳам еттинчи осмон «меҳмони» рекорд ўрнатди-да. Шунданми, бу ғалати воқеани кўпроқ рекорд — хоббига йўйган тўғрироқ, чамамда.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Ҳиндистон Бош вазири Покистон билан тўғридан-тўғри савдо алоқаларини қайтадан тиклаш лозимлиги ҳақида фикр билдирди.

* * *

Мабуту ва Кабила ўртасидаги музокаралар муваффақиятсиз тугади. Жангарилар Зоир пойтахти томон ҳаракатни давом эттиришмоқда.

* * *

Фаластинлик 14 нафар полиция зобитлари Исроил зобитларига бўйсунмаганлиги учун ўз вазифаларидан озод этилдилар.

* * *

Шимолий ва Жанубий Корея Қизил Хоч жамиятлари ўртасидаги музокаралар натижасиз якунланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИГА 1997/98 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонига биноан, Академиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари тизимларининг раҳбарлик лавозимлари учун янги талабларга жавоб берадиган, шу жумладан, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни кадрларнинг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлик мажмуини ўз ичига қамраб олади. У тингловчиларда ўз соҳасининг билимдони, ташаббускор, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган замонавий тафаккурни шакллантиришга қаратилган.

Ўқув дастури ривожланган хорижий давлатларда тўпланган ижобий тажрибалар ҳамда Ўзбекистоннинг бой маънавий ва миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Академия ўқув жараёнида тингловчиларга бой маданий, ахлоқий, маънавий қадриятлар сингдирилиб, шу асосда уларнинг янги шароитларга тез ва осон мослашишлари, янгиланган давлат қуриш ва ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишига имкон яратилади. Академия битирувчилари ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсат юритадиган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишлари лозим.

Академия Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилиши истиқболини мустаҳкамлайди, янги демократик жамиятнинг шаклланишида давлатнинг тутган ўрни, муаммолари, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга доир илмий-услубий тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

АКАДЕМИЯ ҚУЙИДАГИ УЧ ФАКУЛЬТЕТДАН ТАШКИЛ ТОПГАН:

а) давлат ва жамият қурилиши; (ўқиш муддати 10 ой)

б) бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари; (ўқиш муддати 10 ой)

в) давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар; икки мутахассислик («Давлатлараро муносабатлар» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар») (ўқиш муддати 12,5 ой)

Давлат ва жамият қурилиши, Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетларига тингловчилар ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамоат ташкилот ва бирлашмалари, хўжалик тизимлари раҳбарлари орасидан ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук бўлган олий ўқув юртини битирганларидан сўнг камида икки йил ишлаган мутахассислар сафидан танланади.

«Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар» факультети тингловчилигига Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, жамоат ва хўжалик тузилмаларининг олий маълумотли, чет тилларини биладиган, ташқи алоқалар соҳасида иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари, халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи мутахассислари қабул қилинадилар.

Академия тингловчилари учун хорижий илғор ўқув ва илмий марказлар, халқаро ташкилот ҳамда фирмаларда ўқув-таништирув машғулотлари, стажировкалар ташкил этилади. «Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар» факультети тингловчилари Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари ва ваколатхоналарида стажировка ўтайдилар.

Академиянинг 10 ва 12,5 ойлик курслари ўқув дастурларини тўлиқ ҳажмда тугатган тингловчиларга танланган мутахассислик бўйича белгиланган шаклда магистр даражасидаги давлат дипломи берилади.

Академиядаги ўқишни муваффақиятли тамомлаган тинговчилар сафидан раҳбар лавозимларга номзодларнинг заҳираси шакллантирилади. Академияни битирганлар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига қабул қилинишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

1. Академияга тингловчиларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби Академия ректори томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчиси, Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети бўйича эса, шунингдек Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича Президентнинг Давлат маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2. Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

3. Ҳужжатлар 6 июнгача қабул қилинади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— давлат, жамоат ёки хўжалик тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташкилий-кадрлар сиёсати ва Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси;

— тавсия этилаётган шахснинг аризаси;

— олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

— сўровнома;

— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

— 086/у — шаклдаги тиббий маълумотнома;

— 4х6 сантиметр ўлчамли 6 та рангли фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

4. Академия тингловчиликка номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан 3 июндан 12 июнга қадар консультациялар уюштиради.

5. Академияга кириш имтиҳонлари 12 июндан 20 июнга қадар суҳбат ва компьютер-тест синовлари тарзида ўтказилади. Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади:

Давлат ва жамият қурилиши бўйича — Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод;

Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари бўйича — иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий—сиёсий мавзу ва чет тили (инглиз ва бошқа тиллар) бўйича суҳбат ўтказилади.

«Давлатлараро муносабатлар» мутахассислиги бўйича — Ўзбекистон тарихи, чет тили, ҳуқуқшунослик, иқтисод;

«Ташқи иқтисодий алоқалар» мутахассислиги бўйича — иқтисод, чет тили, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий — сиёсий мавзу бўйича суҳбат ўтказилади.

Суҳбат ва тест синовлари ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

6. Танлов қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташкилий-кадрлар сиёсати ҳамда Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича хизмати иштирокида амалга оширилади, у суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида рейтинг усулида (таълим йўналишлари ва тиллари бўйича алоҳида-алоҳида) ўтказилади.

7. Иккинчи мутахассислик бўйича тингловчиларни ўқитиш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга таҳсил мобайнида асосий иш жойи бўйича ўқиш жойигача бориш ва қайтиб келиш йўл ҳақлари ва суткалик харажатлари тўланади ҳамда улар ўқишга йўллаган ташкилот томонидан харажати қопланадиган ётоқхона билан таъминланади.

Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади.

Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори Академия қабул комиссияси томонидан белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 25 июндан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор Академия ректорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар қабули уларнинг ўқиши учун белгиланган тўлов Академия ҳисобига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

9. Ўқиш 4 сентябрдан бошланади.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 8-may, payshanba № 54 (22.138).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Шеър ва шуур

КИМ ЯХШИГА ЭРГАШСА

Ким яхшига эргашса, яхшироқ бўлиб қолгай,
Ярамас иллатлардан кўп узоқ бўлиб қолгай.

Обрўли одамларга ҳасад билан боқарди
Энди ўшалар билан дўст, иноқ бўлиб қолгай.

Фисқу фасод, ғийбатни касб қилиши тугади,
Ҳақиқатни сўзлайди, қалби пок бўлиб қолгай.

Қовоғидан қор ёғмас, ҳавас қилар бахтлига,
Давраларда хушчақчақ, кўп қувноқ бўлиб қолгай.

Аввалгидек у, Тўра, боши эгик юрмайди,
Эл олдида ҳурматли, юзи оқ бўлиб қолгай.

КИМ ЁМОНГА ЭРГАШСА

Ким ёмонга эргашса, шарманда бўлиб қолгай.
Инсонга ярашмаган ишларни қилиб қолгай.

Хатоликлар яшиндек тез тарқалар оламга,
Йўлдан адашганини халойиқ билиб қолгай.

Яхши дўстлари ундан алоқани узгайлар,
Атрофига бўлмағур одамлар келиб қолгай.

Сафимизга яна бир суҳбатдош қўшилди дебон,
Ғийбатчилар ўзича севиниб, кулиб қолгай.

Келадиган омади изсиз йўқолгай, Тўра,
Қалби алам, ҳасратга, қайғуга тўлиб қолгай.

Тўра ЖУМАН.

XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан

САНЪАТ БОЗОРБОП МАҲСУЛОТ ЭМАС

Муштарийларимизга маълумки, бугун барча ўзбекистонликлар ҳам, мамлакатимиз пойтахти ҳам яқинда очилажак XII Тошкент Халқаро кинофестивалига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Биз ана шу тайёргарликлар билан яқиндан танишиш ва бўлажак фестиваль жараёнида ўтказилиши мўлжалланаётган турли тадбирлардан ўқувчиларимизни огоҳ этиш мақсадида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов билан мулоқотда бўлдик. Табиийки, илк саволимиз фестивалга тайёргарлик хусусида.

— Айтиш мумкинки, ҳозирча ҳамма ишларимиз кўнгилдагидек кетаяпти. Фестиваль ўтказиш ташкилий қўмитасида иш жуда қизғин. Бош қашишга қўл тегмайди. Бу кинофестиваль биз учун анъанавий бўлгани билан кейинги беш йилда ўтказилмаганлиги сабабли, бошида анча чўчиб турган эдик. Тайёргарлик ишлари бошланиши билан билдикки, нотўғри ўйлаган эканмиз. Бугун нафақат «Ўзбеккино», балки «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзбекнаво», «Маҳаллийсаноат» сингари компания ва уюшмалар қўлни қўлга бериб тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Фестивалга келадиган меҳмонларни кутиб олиш, жой билан таъминлаш, уларга маданий хизмат кўрсатиш режалари ишлаб чиқилди. Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда меҳмонларни пойтахтнинг эътиборга лойиқ қадамжолари билан таништириш, ўзбек театрлари, музейлари, концертларига олиб бориш ниятидамиз. Шунингдек, улар талабалар, ҳунармандлар, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтларида учрашувлар ҳам ўтказишади. Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти ҳокимликларида меҳмонлар шарафига расмий қабул маросимлари уюштириш ҳам мўлжалланмоқда.

Мана шу тайёргарлик кўриш жараёнида мен халқимизнинг нақадар қўли очиқ, нақадар танти эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Яқинда бир уста катта, жуда ҳам гўзал чинни кўза кўтариб келди. Ўзи ясаган экан. «Шуни фестивалга совға қилиб берсангизлар» дейди. Исми Ғайрат. Ҳаттоки фамилиясини ҳам айтмади. Кўриниб турибдики, у бу совринни ном чиқариш ёки кўзга кўриниш учун қилаётгани йўқ. Кўза унинг киносанъаткорларга бўлган чин эҳтироми тимсолидир. Яна бир ҳамюртимиз эса видеомагнитофон совға қилди. Энг қизиғи, у ҳам ўзини таништирмади. Фақат унинг соврини фестиваль ишини энг яхши ёритган журналистга аталганини айтди, холос. Мана сизга ўзбекнинг феъли.

Қолаверса, турли вилоят, туманлар, ижодий ташкилотлар ҳам фестиваль учун ўз мукофотларини таъсис этмоқдаларки, бу учун уларга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак арзийди.

Яна бир асосий гап. Мана шу тайёргарлик жараёнида севимли шоиримиз Абдулла Орипов ва бастакор Анор Назаровлар фестиваль гимнини яратдилар.

— Темурмалик ака, фестивалда қайси мамлакатлар қатнашиши кутилмоқда?

— Албатта, фестивалнинг обрўси унда қатнашажак давлатлар ва намойиш этилажак фильмлар билан белгиланади. Бугунгача ташкилий қўмитамизга фестивалга қатнашиш истаги билан 35 мамлакат кинематографлари мурожаат этдилар. Уларнинг фильмларини ҳам олиб бўлдик. Фестивалда қатнашажак мамлакатлар рўйхатида Англия, Италия, Япония, Америка Қўшма Штатлари, Миср, Эрон, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Россия ва бошқа давлатлар бор. Шунингдек, фестивалда БМТ, ЮНЕСКО, ФИПРЕСС, ЮНИАТЕК, ЮНИКА, ФИАПФ каби бир қатор халқаро ташкилотлар ҳам иштирок этадилар. Айниқса, ушбу фестивалимизни ЮНЕСКО расман ўз оталиғига олгани биз учун қувончли ҳол бўлди.

— Фестивалда ўзбек кино усталарининг қайси асарлари намойиш этилиши мўлжалланмоқда?

— Ҳозирча ўзбек кинематографлари томонидан суратга олинган учта фильмни режалаштириб турибмиз. Лекин аниқ бир нарса дейишим қийин. Чунки айни кунларда фестиваль танлов ҳайъати барча мамлакатлардан келган фильмларни кўрикдан ўтказишмоқда.

— Ўтказилажак фестиваль ўзбек миллий киночилиги ривожига қандай таъсир кўрсатади деб ўйлайсиз?

— Ҳали юқорида айтиб ўтдим. Диёримизда бундай кино анжуман беш йиллик танаффусдан сўнг ўтказилмоқда. Бу борада ҳам шахсан юртбошимиз ташаббускор бўлдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўтган беш йилда жаҳон кино санъатида қандай ўзгаришлар юз берганидан биз бехабармиз. Ахир, биз фестиваль жараёнида жаҳон киносанъаткорлари эришган ютуқлар билан танишамиз. Янгидан янги мавзу, моҳият, шаклларни ўрганамиз. Қолаверса, ҳамкасбларимиз билан бўладиган ижодий мулоқотларнинг ўзини ҳам биз учун тажриба мактаби бўлади, дейишимиз мумкин. Фестиваль жараёнида илмий симпозиум ўтказишни ҳам режалаштирганмизки, унда нафақат киносанъаткорлар ёки киношунослар, балки бошқа соҳа олимлари ҳам иштирок этадилар.

Хабарингиз бор, фестивалимизнинг асосий шиори: «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт». Маълумки, умуминсоний тараққиётга бизнинг халқимиз жуда катта улуш қўшган. Бу ҳақда мисол келтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Симпозиум ўтказишдан кўзлаган мақсадимиз ҳам умуминсоний тараққиёт ришталарини мустаҳкамлашдан иборат. Қолаверса, ана шу илмий анжуман давомида мустақил мамлакат кинематографияси қандай бўлиши керак, деган саволга ҳам жавоб излаймиз.

— Темурмалик ака, бозор иқтисодиёти деган гаплар бор. Демоқчиманки, ҳар бир тийин ҳисоб-китобли. Шундай экан бўлажак фестивалга сарфланажак маблағ қаердан олинади ва у ўзини оқлайдими?

— Тарихдан маълумки, маънавият, маърифат, маданият ва санъат ҳамиша ҳам ё давлатнинг ёки давлатманд кишиларнинг оталиғида бўлган. Маданиятга фақатгина даромад келтирувчи манба сифатида қаралар экан, у ҳеч қачон юксак дидли санъат даражасига кўтарила олмайди. Санъатдан бозорбоп маҳсулот сифатида фойдаланилса, маънавий инқирозга юз тутилади. Шукрки, давлатимиз маданиятни, санъатни ҳамиша ўз оталиғига олиб келмоқда. Фестивалимизнинг асосий харажатларини ҳам республика Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олган.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Ислом ҲАМРО суҳбатлашди.

Санъатимиз қалдирғочлари

«МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИМИЗ ГЎЗАЛ»

Мақоламиз қаҳрамони санъат оламига эндигина кириб келаётган, миллий рақс санъатимизнинг фидойилари Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Маъмура Эргашевалардек бўлишни орзу қилиб, шунга интилаётган ёш раққоса Нодира Султоновадир.

У 1978 йилда Қирғизистоннинг Ўш вилоятида туғилган. Болалигидан Тошкентда кечган. 1995 йилда Ҳамза туманидаги 204-мактабни аъло баҳоларга битирган Нодира бугунги кунда Тошкент Маданият институтининг 3 курсида таҳсил олмоқда. Қаҳрамонимиздан рақс санъатига қандай кириб келганлиги ҳақида сўрадик.



— 8-синфда ўқиб юрган кезларимда мактабимизда «Рақслар гулдастаси» деб номланган танлов эълон қилинди. Мени ҳам таклиф этишди. Болалигимдан ўзимча хоразмча рақсларга тушиб юрардим. Ўзимни синаб кўриш мақсадида танловда қатнашдим ва омадим келиб, биринчи ўринни эгалладим. Кейин мактабларо ўтказилган кўрикда ҳам ғолиб чиқиб, имтиёзли диплом билан тақдирландим. Аста-секин рақсга меҳрим орта борди ва бу мени Маданият институтига етаклади. Ҳа, айтгандай, кўрикда берилган диплом ўқишга қабул қилинишимда катта имконият яратди.

— Нодира кўпчилик ота-оналар қизларининг раққоса бўлишига рухсат беришмайди. Сизнинг ота-онангиз бу қизиқишингизга қандай қарашган?

— Дадам санъатни қадрлайдиган инсон ва бунга албатта, тўғри ёндошди. Лекин тўғрисини айтиш керак, ойим аввал норози, кейинчалик, менинг астойдил қизиқишимни англаб, рози бўлдилар. Барибир уларни тушунаман. Чунки ҳар қандай ота-она ҳам фарзандининг келажагини, тақдирини ўйлайди. Балким, бу санъат турининг машаққатли эканлигини мендан кўра юз баробар кўпроқ англаб шу қийинчиликларга юзма-юз бўлишимни истамагандирлар. Энг асосийси улар менга ишонишади. Мен ҳам шу ишончни оқлашим керак.

— Ҳар бир соҳа кишисининг устози бўлади. Сизнинг бу борадаги биринчи устозингиз ким?

— Менинг биринчи устозим Гулираъно Ҳамроева.

— Яқиндан клипларда чиқиб қолдингиз? Булар сизга қандай таъсир кўрсатади?

— Биласизми, клиплар одамни тез танитади. Лекин танилар эканман деб ҳар хил бўлмағур клипларга ҳам тушавермаслик керак. Уларнинг қўшиқларида маъни йўғ-у, раққосалари ўзбекча миллий либосларни кийиб олиб, концерт залларида ўйнашларини кўрсам, аччиғим чиқиб кетади.

— Кимлар билан ҳамкорликда ишлаяпсиз?

— Охунжон Мадалиев билан 7 та қўшиққа мослаб чиқишлар қилдим. Ўз навбатида рақслар ҳам миллийлик руҳида суғорилган.

Раққоса бўлиш осон эмас, унинг ҳар бир ҳаракатида, ҳар бир имосида маъно бўлади. Қуруқдан қуруқ рақсга тушиш эмас, балки, куй-қўшиққа сингиб кетиш, ундаги сеҳрни ҳис қила билиш керак. Ҳақиқий раққоса шуни ҳис қилиб рақсга тушади.

— Биламиз, сиз асосан миллий куй-қўшиқларга рақсга тушасиз. Бунда нимани ҳис этасиз?

— Миллий куйларга рақсга тушсам, ўзимни, атрофни унутиб қўяман. Барибир миллий рақсларимиз гўзал. Уларда таърифлаб бўлмас назокат бор, назаримда. Шунинг учун улар менга завқ бағишлайди.

— Машҳурликни ёқтирасизми?

— Ким ёқтирмайди дейсиз. Лекин унга эътиқод бўлмаслиги керак. Биз одам меҳнат қилса, меҳнати қадрланадиган даврда яшаяпмиз. Халққа, юртга нафи тегадиган иш қилдингизми, давр сизни ардоқлайверади.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ суҳбатлашди.

Шундай одамлар бор бўлсин

ШИРИНСУХАН АЁЛ

Одамларда баъзи ғалати ҳолатлар бўлади. Ҳеч кўрмаган суҳбатлашмаган кишилар билан танишасизу, уни кўп йиллардан бери билгандек, эски қадрдонлардек ўзингизга яқин олиб, яхши кўриб қолар экансиз. Нега шундай? Балки, феъли-атворининг бир-бирига яқинлигидандир. Эҳтимол, қандайдир фазилатлари, бағри кенглиги, ҳаётни тўғри тушуниши, ширинсуханлиги — хуллас, инсонийлиги билан қалбингизни ром этгандир.

Людмила Петровна билан тасодифан танишганимиз йўқ. Биз бир бинодамиз. Ҳар куни кўришамиз, суҳбатлашамиз. Ҳаётдаги воқеалардан, турмушдан, янгиликлардан гаплашамиз. Танишбилишлар, яхши одамлар ҳақида сўраймиз.

— Дунёда яхши одамлар кўп, — дейди ҳамкасбимиз Муйиддин Аҳмедов, — мана Людмила Петровнани олайлик. Ширинсуханлигини қаранг, бирор жойим оғриди, десангиз бўлди, диққат билан ўрганиб чиқиб, ташхис қўяди. Босимингизни ўлчайди, юрак урушини, нафас олишингизни эшитади.

Шу суҳбат баҳона бўлди-ю, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши қошидаги соғломлаштириш пунктига бордик. Пунктда Людмила Петровна билан учрашиб, ҳол-аҳвол сураганимиздан кейин, мақсадимизга ўтдик.

— Қисқача таржимаи ҳолингизни айтиб берсангиз, — сўрадик Савенкова Людмила Петровнадан.

— 23 ёшимда, яъни 1962 йилда Душанбе тиббий олийгоҳининг даволаш факультетини тугатганман, — деб сўз бошлади Л. Савенкова, — сўнг 3 йил Хўжанддаги Консой конида тоғ цехида, 1965 — 1975 йилларда травматология ва ортопедия институтида врач-терапевт, 1975 — 1991 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тиббий санитария бирлашмасида участка терапевти бўлиб ишладим. 1991 йилдан Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши қошидаги соғломлаштириш пунктига бошлиқ вазифасида ишлаяпман.

Савенкова фаол илмий фаолият билан ҳам шуғулланади. Журналларда 24 мақоласи эълон қилинган. Амалий врачлар учун услубий тавсиялар чиқарган. «Юрак томирлари ва мияси касал одамларда метеопатик реакциялар олдини олиш» масаласида тавсиянома чиқарган. Жамоада катта обрў ва ҳурматга эга.

Бир вақтлар Людмила Петровнанинг ўзи шогирд эди. Ҳозир эса, унинг кўплаб шогирдлари ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилишади.

Меҳнатда ҳам, ҳаётда ҳам кўпларга ўрнак бўлиб келаётган Людмила Петровна Савенкова каби кишиларга: «Шундай одамлар бор бўлсин!» — дегимиз келади.

Н. МУРОДОВ.

Ишбилармонлар диққатига!

Республикада биринчи марта

AGRO 97 TECH

Замонавий кичик-технология ва қишлоқ хўжалиги учун ускуналар СОТУВ КЎРГАЗМАСИ AGRO TECH - 97

Илғор технологияларни ўз кўзингиз билан кўриб танишишдек, ускуналарни танлашда тўғри хулоса қилиш ва унга эга бўлиш шартномасини расмийлаштиришдек бўлган камдан-кам имкониятни қўлдан бой берманг.

Кўргазманинг ишлаш вақти:	13 май 14.00-18.00
	14, 15 май 10.00-18.00
	16 май 10.00-16.00
Кўргазма манзилгоҳи:	Тошкент ш., Амир Темур кўчаси,107 "ЎЗЭКСПОМАРКАЗ", 4 - павильони
Кўргазма ҳомийлари:	Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
Кўргазма ташкилотчиси:	"ЎЗИНВЕСТЛОЙИҲА" компанияси
Мурожаат учун телефонлар:	33-63-43; 68-53-24; /fax/40-66-41

Фарғона вилояти ҳокимлиги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда меҳнат фахрийси **Акбаржон ота АЗИЗОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки жамоаси Миллий банк касаба уюшмаси қўмитаси раиси К. М. Азизовга онаси **Муборак Азизовна АЗИЗОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Узавтойул» жамоаси концернинг «Навоийавтойул» бирлашмаси раиси уринбосари **Ҳусен Эшонович ЖАЛИЛОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 13 май, сешанба куни чиқади).

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.50.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА